Qishloq hayoti

O`zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

2018 йил — Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили

1974-yil 1-yanvardan chiqa boshlagan | 2018-yil 22-mart, payshanba 30 (8893)-son | web sayt: www.qishloqhayoti.uz

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА НАВРЎЗ ТАБРИГИ

Азиз ватандошлар!

Жонажон юртимиз – Ўзбекистонимизга яшариш, баҳор ва гўзаллик байрами – Наврўзи олам кириб келмоқда.

Ана шу қутлуғ айём – Шарқона янги йил билан сиз, муҳтарам отахон ва онахонларни, мунис опа-сингилларимиз, суюкли фарзандларимиз, бутун халқимизни чин юракдан самимий муборакбод этаман.

Қалбларимиз шодлик ва қувончга тўлган мана шу нурли лаҳзаларда барчангизга сиҳат-саломатлик, хонадонларингизга бахту саодат, файзу барака тилайман.

Қадрли дўстлар!

Бугун кўп миллатли халқимиз дала ва қирларда, майдон ва хиёбонларда, табиат бағрида сайил-томошалар ўтказиб, Наврўз айёмини кутиб олмоқда.

Етти ёшдан етмиш ёшгача – барча юртдошларимиз катта шоду хуррамлик билан бир-бирини қутлаб, шу ёруғ кунларга етказгани учун шукроналар айтмоқда.

Эл-юртимизнинг табаррук заминимизга, она диёримизга меҳри, ўзаро аҳиллик, меҳр-оқибат фазилатлари янада яққол намоён бўлмоқда.

Шу дилбар фаслда табиатдаги ўзгаришларга уйғун бўлиб, жамиятимиз, ҳаётимиз ҳам ўзгариб, янгиланиб бормоқда.

Янги-янги уй-жойлар, таълим, тиббиёт ва маданият масканлари, замонавий корхоналар, обод қишлоқ ва шаҳарлар юртимиз чиройига чирой қўшмоқда.

Наврўз фалсафаси, Наврўз қадриятлари – одамларнинг дарду ташвиши билан яшаш, кексаларга ҳурмат, муҳтож инсонларга эътибор ва ёрдам кўрсатиш, адолат ва халқпарварлик фаолиятимиз мезонига айланмоқда.

Биз энг аввало оналаримиз, аёлларимиз ва фарзандларимиз, бутун халқимизни рози қилишни ўз олдимизга эзгу вазифа қилиб қўйганмиз. Ва бу олий мақсадга албатта эришамиз. Шунда ҳаётимиз янада обод ва фаровон, буюк Алишер Навоий бобомиз айтганларидек, ҳар кунимиз Наврўз бўлади.

Бугун миришкор деҳқон ва фермерларимиз катта орзу-ниятлар билан янги меҳнат мавсумини бошламоқдалар. Барчамиз йилимиз қутлуғ келсин, ҳосилимиз мўл бўлсин, меҳнатингиздан барака топинг, деб уларни табриклаб, ишларига ривож тилаймиз.

Азиз дўстлар!

Мана, бир неча йилдирки, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг қарорига мувофиқ Наврўз байрами халқаро миқёсда кенг нишонланмоқда.

Ҳақиқатан ҳам бу бетакрор байрам барча эзгу ниятли инсонларни бирлаштиради, уларнинг қалбида энг гўзал ва олижаноб туйғуларни уйғотади. Шу боис ҳам Наврўзи олам мустақиллик йилларида, миллати, тили ва динидан қатъи назар, диёримизда яшаётган барча юртдошларимизнинг ардоқли ва севимли байрамига айланди.

Бугун чет эл дипломатик корпус вакиллари, хорижий дўстларимиз ва ҳамкорларимиз Наврўз қувончини биз билан бирга баҳам кўрмоқдалар.

Фурсатдан фойдаланиб, азиз меҳмонларимизга, барча яқин ва узоқ давлатлар халқларига самимий табрикларимизни йўллаб, уларга тинчлик-осойишталик, равнақ ва фаровонлик тилаймиз.

Қадрли ва муҳтарам юртдошларим!

Мана шу мунаввар лаҳзаларда сиз, азизларга, бутун халқимизга энг эзгу тилакларимни изҳор этишдан бахтиёрман.

Шарқона янги йилимиз ҳар бир оила, ҳар бир хонадонга бахт ва қувонч олиб келсин!

Барча пок орзу-ниятларимиз амалга ошсин!

Юртимиз тинч, халқимиз омон бўлсин!

Наврўзи олам барчамизга муборак бўлсин!

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

Муҳтарам Президент Жаноблари!

Наврўз байрами арафасида Хитой ҳукумати ва халқи номидан, шахсан ўз номимдан Сизни ва бутун Ўзбекистон халқини ушбу байрам билан муборакбод этишга ижозат бергайсиз.

Сўнгги йилларда Хитой – Ўзбекистон муносабатлари янги стратегик даражага кўтарилди, бу мамлакатларимиз ўртасидаги анъанавий дўстлик ришталарига янги ҳаётий куч бағишлади. "Бир макон – бир йўл" қўшма лойиҳаси доирасидаги икки томонлама ҳамкорлик изчил тараққий этмоқда, халқаро ва минтақавий масалалардаги ўзаро алоқалар мустаҳкамланиб бормоқда. Икки томонлама муносабатларнинг жадал ривожланиши халқларимиз учун фойдали бўлмоқда. Хитой – Ўзбекистон муносабатларини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратишим ва Сиз билан дўстликни юксак қадрлашимни яна бир бор таъкидлашга ижозат бергайсиз.

Си Цзиньпин,
Хитой Халқ Республикаси Раиси

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

Ҳурматли Президент, азиз қардошим!

Ўлкаларимиз ўртасидаги қадим дўстлик, қардошлик, бирдамлик ва ҳамкорликни ўзида мужассам этиб, келажак авлодларга етказган Наврўз байрами муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларини ҳамда дўст ва қардош ўзбек халқини турк халқи ва шахсан ўз номимдан энг самимий тилакларим ила табриклайман.

Ҳурмат билан,

Режеп Таййип Эрдоған,
Туркия Республикаси Президенти

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

Муҳтарам Шавкат Миромонович!

Уйғониш, яшариш ва янгиланиш фасли – Наврўз айёми муносабати билан самимий табрикларимни қабул қилгайсиз.

Мамлакатларимиз ўртасидаги мустаҳкам дўстлик ва муштарак маънавий қадриятларга асосланган кўп томонлама муносабатлар халқларимиз манфаатлари йўлида янада жадал ривожланишига ишончим комил.

Ҳурмат билан,

Нурсултон Назарбоев,
Қозоғистон Республикаси Президенти

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

Муҳтарам Шавкат Миромонович!

Қирғизистон халқи ва шахсан ўз номимдан Сизни ҳамда Сизнинг тимсолингизда бутун Ўзбекистон халқини баҳор айёми – Наврўз билан самимий муборакбод этаман.

Наврўзни нишонлаш халқларимиз ўртасидаги кўп асрлик анъанавий дўстлик, яхши қўшнилик ва қардошлик алоқаларини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Биргаликдаги саъй-ҳаракатлар билан Қирғизистон ва Ўзбекистон ўртасидаги ўзаро ишонч ва англашув тамойилларига асосланган муносабатлар халқларимиз манфаатлари йўлида бундан буён ҳам ривожланиб боришига ишонч билдиришга ижозат бергайсиз.

Эҳтиром ила,

Сооранбай Жээнбеков,
Қирғизистон Республикаси Президенти

НАВРЎЗ – ДЎСТЛИК ВА ҲАМЖИҲАТЛИК БАЙРАМИ

Наврўз минтақамиз халқларининг қадимий ва умумий байрамидир. Унинг моҳиятида дўстлик, аҳиллик, бағрикенглик, яхши қўшнилик каби олижаноб фазилатлар ўз ифодасини топган. Халқимиз азалдан бу байрамни дўсту яқинлари, қон-қардошлари билан бирга нишонлаган.

Ўтган йили Наврўз кунлари Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Қозоғистон Республикасига давлат ташрифи билан борган эди.

Бу йил Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев Ўзбекистон халқини Наврўз билан табриклаш мақсадида Самарқанд шаҳрига ташриф буюрди.

Олий мартабали меҳмонни Президент Шавкат Мирзиёев кутиб олди.

Самарқанд шаҳридаги Форумлар мажмуасида икки давлат раҳбарларининг учрашуви бўлди.

Қардош ўзбек ва қозоқ халқлари азалдан ёнма-ён яшаган, яхши кунларда ҳам, қийинчилик дамларда ҳам бир-бирини қўллаб-қувватлаган. Бундай дўстлик ва аҳиллик бугунги кунда халқларимиз ўртасидаги алоқаларга мустаҳкам асос бўлмоқда.

Шавкат Мирзиёев ва Нурсултон Назарбоев ташаббуси билан Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасидаги ҳамкорлик янги босқичга кўтарилди. Мамлакатларимиз вазирлик ва идоралари, ҳудудлари ўртасидаги алоқалар фаоллашди. Транспорт йўлаклари очилиб, темир йўл ва автобус қатновлари йўлга қўйилди.

Маданий-гуманитар ҳамкорлик кенгайди. Санъат ва маданият намояндалари, шоир ва ёзувчилар икки мамлакатдаги кўргазма ва фестиваллар, маданий-маърифий тадбирларда фаол иштирок этмоқда. 2018 йил Қозоғистонда Ўзбекистон йили ўтказилаётгани халқларимиз ўртасидаги маданий алоқаларни янада ривожлантиришга хизмат қилади.

Президентлар минтақа давлатлари, хусусан, Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасидаги самимий муносабатлар ҳар қачонгидан ҳам мустаҳкамланиб бораётганини қайд этиб, чегаралардаги енгилликлар икки мамлакат халқларининг ўзаро борди-келдиси учун кенг йўл ва имкониятлар очгани, бунда энг катта мақсад бўлган халқларимиз розилигига эришилганини таъкидладилар.

Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасидаги ҳамкорликнинг бугунги ҳолати юқори баҳоланди, уни янада ривожлантиришга оид масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Нурсултон Назарбоев ва Шавкат Мирзиёев Ҳазрати Хизр мажмуасига ташриф буюриб, мустақиллигимиз асосчиси Ислом Каримов қабрини зиёрат қилди. Биринчи Президентимиз қабрига гул қўйиб, унинг хотирасига ҳурмат бажо келтирдилар. Қуръон тиловат қилинди.

Қозоғистон Президенти давлатимиз раҳбари ҳамроҳлигида Самарқанднинг диққатга сазовор жойларини томоша қилди.

Шу билан Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоевнинг мамлакатимизга ташрифи ниҳоясига етди.

ЎзА

ЯНГИЛАНИШ, МЕҲР-ОҚИБАТ ВА ФАРОВОНЛИК АЙЁМИ

Мамлакатимиз бўйлаб Наврўз сайиллари бўлиб ўтмоқда

Юртимизга баҳор келди. Она замин узра қўклам насими эса бошлади. Қаҳратон совуқда мудроқ ётган дов-дарахт уйғониб, куртак ёзди. Қуёшнинг қайноқ тафтини соғинган майсалар кўзни қувнатиб, кўкка бўй чўзди. Нозик новдаларга гул битди, қийғос гуллаган боғлар капалак ва болариларга ошён бўлди. Бутун борлиқда уйғониш, янгиланиш, яшариш манзаралари...

Юртимиз бу гал ҳам тинч ва осойишта, халқимиз сиҳат-саломат ва бардам, салмоқли ютуқлари, мўл-кўл орзулари, эзгу тилаклари билан Наврўз шодиёналарига қадам қўймоқда. Осмонимиз мусаффо. Бир дунё орзулар билан эртани кутиб, келажакка ишонч билан тўю-томошалар қилиш, янги уй-жойлар солиш, Ватан тараққиётига муносиб ҳисса қўшиш ниятида яшаётган халқимиз "Хуш келибсан ўлкамизга, Наврўзи олам, қадаминг қутлуғ бўлсин! Юртимиздаги тинчлик-омонликка кўз тегмасин!" деб қутлуғ айёмга пешвоз чиқмоқда.

Халқимизазалдан тўй ва шодиёналарни алоҳида тараддуд билан қарши олади. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг жорий йил 23 февралда "2018 йилги Наврўз умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги қарори қабул қилинган кундан бошлаб маҳаллаларда, шаҳар ва қишлоқларда ҳашарлар, кенг кўламдаги ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари ташкил этилди.

Наврўзнинг руҳи ва фалсафасида ўз аксини топган меҳр-мурувват, аҳиллик ва тотувлик, ёши улуғ инсонлар, табаррук отахон ва онахонларни ҳар томонлама эъзозлаш, кўмакка муҳтож инсонларнинг ҳолидан хабар олиш билан боғлиқ хайрия тадбирлари ўтказилди.

...21 март эрта тонгдан карнай-сурнай ва ноғоралар садоси таралиб, юртимизда Наврўз сайли бошланганидан дарак берди.

Наврўз байрами ҳамма жойда – Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар марказларида, шаҳар, туман, қишлоқ ва овулларда умумхалқ сайиллари шаклида ўтказилмоқда.

Тошкент шаҳридаги асосий байрам тадбирлари "Ўзэкспомарказ" мажмуида бўлиб ўтди. Карнай-сурнай садолари халқни сайилга чорлади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев байрам сайлига чиқди.

(Давоми 2-саҳифада)

ОНА ДИЁРИМИЗДА НАВРЎЗ ШУКУҲИ КЕЗМОҚДА

Бу йил мамлакатимизда Наврўз байрами халқ сайли тарзида катта тантана билан нишонланмоқда. Пойтахтимиздаги "Ўзэкспомарказ" мажмуида асосий байрам тадбирлари бўлиб ўтмоқда.

ЎзА мухбирлари Наврўз сайилларида қатнашган хорижий давлатлар элчилари ва пойтахтимиз меҳмонлари билан байрам таассуротлари ҳақида суҳбатлашди:

Цзян ЯНЬ хоним, Хитой Халқ Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси:

– Наврўз байрамини Ўзбекистонда кутиб олаётганимдан мамнунман. Фурсатдан фойдаланиб, барчани ушбу айём билан табриклайман. Ўзбекистон билан Хитой ўртасидаги ҳамкорлик кенг миқёс касб этиб, стратегик шериклик алоқалари юксак даражага кўтарилмоқда. Сиёсат, иқтисодиёт, савдо, саноат, молия, қурилиш, илм-фан, таълим, маданият соҳаларида кенг кўламли ҳамкорлик изчил ривожланмоқда. Ўйлайманки, бу алоқалар келгусида ҳам жадал давом этади.

Раҳмонали НОРТОЖИЕВ, Фарғона вилояти "Садо" миллий чолғу асбоблари ишлаб чиқариш корхонаси раҳбари:

– Мумтоз куй-қўшиқларимизни бутун дунёда яхши билишади. Наврўз байрамига ғижжак, дутор, қашқар рубоби, уд каби 16 турдаги чолғу асбобларини келтирганмиз. Мақсадимиз кўп асрлик тарихга эга ушбу чолғуларимизни халқимиз, айниқса, ёшларимизга танитишдир. Бундан ташқари, "Мақом" ансамблимиз хонандалари мумтоз қўшиқларимиз билан иштирок этяпти.

Вилоятимиз чеварлари тиккан адрас, атлас матолари намойиши, Риштон кулоллари маҳсулотлари, дорбозлар чиқишлари ҳам кўпчиликда катта таассурот қолдирмоқда.

Гюнтер ОВЕРФЕЛЬД, Германия Федератив Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси:

– Наврўз байрамида қатнашиб, ўзбек миллий рақсларини томоша қилдим. Урф-одатларингиз, сумалак менга жуда ёқди. Ўзбекистонга келганимга унча кўп бўлмади, лекин қатор вилоятларга бориш насиб этди. Менга чет эллик инвесторлар учун яратилган имконият ва шароитлар, уларнинг давлат томонидан қўллаб-қувватланиши маъқул бўлди. Ўзбекистон билан Германия ўртасида азалдан дўстлик ва ҳамкорлик алоқалари ривожланиб келган. Бундан кейин ҳам мавжуд имкониятлардан унумли фойдаланиб, янги тармоқларда шерикликни йўлга қўймоқчимиз.

(Давоми 2-саҳифада)

«Qishloq hayoti»
www.qishloqhayoti.uz info@qishloqhayoti.uz
2018-yil 22-mart, payshanba 30 (8893)-son

САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

Муҳтарам Шавкат Миромонович!

Сизни ва биродар Ўзбекистон халқини баҳор ва уйғониш айёми – халқаро Наврўз байрами билан чин қалбимдан муборакбод этаман.

Умид қиламанки, мамлакатларимиз ўртасидаги дўстлик ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик муносабатлари бундан буён ҳам Наврўзнинг ҳаётбахш ғояларидан илҳомланиб, изчил тараққий этиб боради.

Ҳурмат билан,

Имомали Раҳмон,
Тожикистон Республикаси Президенти

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

Муҳтарам Шавкат Миромонович!

Қадрли биродарим!

Халқаро Наврўз айёми муносабати билан Сизга ва Сиз орқали қардош Ўзбекистон халқига самимий табрикларимни изҳор этиш, фаровонлик ва равнақ тилашга ижозат бергайсиз.

Бир неча минг йиллик тарихга эга Наврўз байрами меҳмондўстлик, яхши қўшнилик анъаналари бардавомлиги ва улуғ инсонийлик тамойилларини мужассам этган халқларимизнинг маънавий ва маданий бойлиги ҳисобланади.

Чуқур ҳурмат ила,

Гурбангули Бердимуҳамедов,
Туркманистон Президенти

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

Муҳтарам Шавкат Миромонович!

Ўзим ва Озарбайжон халқи номидан Сизни ва Ўзбекистон халқини миллий ва маданий-маърифий қадриятларимизни ўзида мужассам этган Наврўз байрами билан самимий қутлайман.

Халқларимиз иродаси билан биз бундан буён ҳам Озарбайжон ва Ўзбекистон ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик алоқаларини биргаликда мустаҳкамлаб боришимизга ишонч билдиришга ижозат бергайсиз.

Ҳурмат билан,

Илҳом Алиев,
Озарбайжон Республикаси Президенти

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

Халқаро Наврўз байрами кириб келиши муносабати билан Афғонистон халқи номидан Сиз, Жаноби Олийлари ва биродар Ўзбекистон халқига ўзимнинг энг самимий табрикларимни изҳор этаман.

Муштарак байрамимиз билан яна бир бор муборакбод этган ҳолда, мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик ва алоқаларнинг кенгайишига ишонч билдираман.

Муҳаммад Ашраф Ғани,
Афғонистон Ислом Республикаси Президенти

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти номига

Саудия Арабистони Подшоҳи Салмон ибн Абдулазиз Ол Сауд
Саудия Арабистони Подшоҳлиги ворис шаҳзодаси, Бош вазирининг ўринбосари, мудофаа вазири Муҳаммад ибн Салмон Ол Сауд
Индонезия Президенти Жоко Вадодо
Фаластин Президенти Маҳмуд Аббос
БАА вице-президенти, Бош вазири, Дубай амири Муҳаммад ибн Рошид Ол Мактум
Афғонистон ижро ҳукумати раҳбари Абдулла Абдулла
Кавказ мусулмонлари идораси раиси Оллоҳшукур Пошшозода табрик йўллади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти номига Наврўз муносабати билан самимий табриклар келиши давом этмоқда.

(Боши 1-саҳифада)

...Турфа ранг байроқчалар ҳилпирайди, ранго-ранг шарлар майин эпкинларда тебранади. Наврўз тантаналари ўтадиган асосий саҳна байрамона безатилган. Бу ерга ҳукумат аъзолари, депутатлар ва сенаторлар, фан, маданият, санъат, спорт намояндалари, ишлаб чиқариш илғорлари, тадбиркорлар, табаррук отахону онахонлар, турли соҳаларда баракали меҳнат қилаётган юртдошларимиз, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган хорижий давлатлар элчихоналари ва халқаро ташкилотлар ваколатхоналари вакиллари ташриф буюрган.

Президентимиз дастлаб байрам сайлида иштирок этаётган дипломатик корпус вакиллари, фахрий меҳмонлар билан кўришиб, уларни муборакбод этди.

...Асрлар давомида Наврўз кунлари халқимиз ёппасига қир-адирларга, кўча ва хиёбонларга, гузар ва сайилгоҳларга сайилга чиққан. Бахшилар айтишуви, лапарлар, ҳазил-мутойиба, қўшиқлар, халқ термалари, аскиячилар пайрови янграган. Улоқ-кўпкари, пойга, кураш, мерганлик каби миллий ўйинлар ўтказилган. Дорбозлар, масхарабозлар, қўғирчоқбозлар, полвонларнинг томошалари бўлиб ўтган.

Юртимизда бу йилги Наврўз байрами ўзгача нишонланмоқда. "Ўзэкспомарказ" мажмуида кенг сайил сифатида ўтган байрам дастурида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан келган вакиллар ўз ҳудуди тарихи, маданияти, урф-одат ва анъаналарини акс эттирган чиқишлар, тансиқ таомлар ва ҳунармандлик маҳсулотларини намойиш этди. Устаю ҳунармандлар, ганчкорлар, каштадўзу чеварларнинг рангин либослари, дўмбира, доира каби халқ чолғу асбоблари, миллий бюмлар барчада катта қизиқиш уйғотди.

Ранг-баранг ашула ва рақс, турли бадиий жамоаларнинг чиқишлари, уюштирилаётган халқ ўйинлари, куйланаётган қўшиқ, лапар ва ижро этилаётган рақсларда қадимий байрамимизнинг хилма-хил ноёб қирралари ўз аксини топди.

Давлатимиз раҳбари ҳар бир ҳудуд учун ажратилган майдонга бориб, уларнинг концерт дастурларини томоша қилди. Ҳудудлардан ташриф буюрган нуроний отахону онахонлар билан суҳбатлашиб, уларни байрам билан табриклади. Қўллар дуога очилди.

...Йигитлар чиллак, зувиллатар ўйнайди, кураш тушиб беллашади. Қоқигулдан бошига чамбараклар тақиб олган қизлар қошларига ўсма тортишади. Дорбозга қараган одамнинг кўзи қамашади. "Беш тош", "Мак-мак" ва "Оқ теракми, кўк терак?" ўйинлари, полвонлик, гимнастика, акробатика, масхарабозлик, қизиқчилик каби намойишлар Наврўз сайли қатнашчиларини хушнуд этади. Дошқозонларда қайнаган сумалак ифори оламни тутади. Сочларига жамалак таққан қизлар шўх-шодон рақсга тушади. Онахонлар тандирдан қайноқ нонларни узиб, меҳмонларга улашади.

Лапарлар, қўшиқлар, халқ термалари, аскиячилар пайрови қизиди.

ЎзА суратлари.

ЯНГИЛАНИШ, МЕҲР-ОҚИБАТ ВА ФАРОВОНЛИК АЙЁМИ

Фольклор жамоаларининг куй-қўшиқлари қушлар чуғурига, кўркам фавворанинг жилдирашига уйғунлашиб кетди.

...Халқимиз Наврўзни ўзгача бир соғинч, интиқлик билан кутади. Бу гал ҳам шундай фусункор дамларда еру кўк бағрида рўй бераётган ўзгаришларни қалбидан ўтказаётган ҳамюртларимиз дилларида қувонч, ана шу ёруғ кунларга, гўзал ҳаётнинг бебаҳо неъматларига эсон-омон етганимиз, осмонимиз мусаффолиги учун шукроналик туйғулари туғён ураётир.

Юртимиз бўйлаб олиб борилаётган кенг кўламдаги ислоҳотлар руҳи одамлар қалбига кўчиб, ватандошларимиз бунёдкорлик, ободлик сари интилмоқда. Ўтган йили 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини "Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили"да амалга оширишга оид Давлат дастури доирасида кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан барча даражадаги раҳбарлар халқ ичига кириб, уларнинг дарду ташвишлари билан қизикди, муаммоларга биргаликда ечим топилди. "Инсон манфаатлари ҳамма нарсадан улуғ" деган ғоя ҳаммамиз учун шиорга айланди.

Ҳаракатлар стратегияси ижроси доирасида 2017 йилда 20 дан ортиқ қонун ва 700 дан зиёд қонуности ҳужжатлари қабул қилинди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонаси, жойларда Халқ қабулхоналари ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан биринчи марта мамлакатимиз парламенти – Олий Мажлисга Мурожаатнома тақдим этилди.

Ўтган йили юртимизда яшаб келаётган, лекин фуқаролиги бўлмаган 1100 дан ортиқ шахсга Ўзбекистон фуқаролиги берилди.

Шу билан бирга, мамлакатимиз тарихида биринчи марта 2700 нафар маҳкумни афв этиш тўғрисидаги Президент Фармони имзоланди. Бу ҳам инсонпарварликнинг юксак намунаси бўлди.

Қисқа муддатда 161 та йирик саноат объекти ишга туширилди. Тошкент иссиқлик электр станциясида буғ-газ қурилмаси барпо этилди. Навоий иссиқлик электр станциясида иккинчи буғ-газ қурилмаси, Қизилқум бағридаги Авминзо-Амантой олтин конлари негизида гидрометаллургия заводи қуриш бўйича ишлар давом этмоқда. Қандим газни қайта ишлаш комплекси ишга туширилиши ҳисобидан 2018 йилда қўшимча равишда 4 миллиард 100 миллион куб метр табиий газни қайта ишлаш, 67 минг тоннадан зиёд конденсат, 106 минг тоннадан ортиқ олтингугурт ишлаб чиқариш имкони яратилди.

Олмалиқ кон-металлургия комбинати "Ёшлик – 1", "Ёшлик – 2" конларини ўзлаштиришга киришди. Сардоба, Марказий Фарғона ва Тўпаланг сув омборларини қуриш бўйича ишлар жадал олиб борилмоқда. Фарғона – Марғилон йўналишидаги темир йўл тармоғи айни пайтда электрлаштирилаётир.

Амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида 2017 йилда иқтисодий ўсиш суръати 5,5 фоизни ташкил этди, экспорт ҳажми қарийб 15 фоизга кўпайди. Ташқи савдо айланмасининг ижобий сальдоси 854 миллион долларга етди.

Миллий валютанинг эркин конвертацияси йўлга қўйилди. Юридик ва жисмоний шахслар хорижий валютани тижорат банкларидан чекловсиз сотиб олиш ва эркин сотиш имконига эга бўлди.

2017 йилда янги саноат корхоналарини қуриш, хизмат кўрсатиш объектларини ишга туширириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ҳисобидан 336 мингдан зиёд янги иш ўринлари яратилди.

Шаҳар ва қишлоқларда жами 3,5 миллион квадрат метрдан зиёд намунавий уйлар ва кўп қаватли уй-жойлар барпо этилди. Бу 2007 йилга нисбатан 20 баробар, намунавий уй-жойлар қуриш дастури бошланган 2010 йилга нисбатан 3,5 баробар кўп уй-жой қурилганини кўрсатади.

25 йил давомида биринчи марта аҳоли учун арзон, барча қулайликларга эга кўп қаватли уй-жойлар қурилиши бошланди. 2017 йилнинг ўзида 800 минг квадрат метрдан зиёд ана шундай уй-жойлар қурилди. Биргина Тошкент шаҳрининг ўзида ўтган йили 420 минг квадрат метр кўп қаватли уй-жой фонди фойдаланишга топширилди.

Маънавий ҳаётимизда ҳам муҳим воқеалар содир бўлди. Президентимиз ташаббуси билан Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази, Имом Бухорий ва Имом Термизий номларидаги халқаро илмий-тадқиқот марказлари, Ислом академияси каби илмий-маърифий муассасалар фаолияти йўлга қўйилди.

Халқаро ҳамкорлик борасида ҳам мамлакатимиз тарихида улкан ўзгаришлар рўй берди. Бир йилнинг ўзида 21 та олий даражадаги ташриф амалга оширилди, 60 дан ортиқ давлат ва халқаро ташкилотлар раҳбарлари ва вакиллари билан учрашувлар ўтказилди. Натижада 400 дан ортиқ битим ва келишувларга эришилди, қарийб 60 миллиард АҚШ доллари ҳажмидаги савдо ва сармоявий шартномалар имзоланди.

2018 йилга юртимизда Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили, деб ном берилди. Бу йил бизнес-фаолиятни инновацион, яъни замонавий ёндашувлар, илғор технология ва бошқарув усуллари асосида ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бунда рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришга қодир, энг муҳими, янги иш ўринлари яратиб, нафақат ўзини ва оиласини боқадиган, балки бутун жамиятга наф келтирадиган ишбилармон инсонлар ҳар томонлама қўллаб-қувватланади.

...Наврўз мамлакатимизда яшаётган, миллати, тили, динидан қатъи назар, барча ватандошларимиз орзиқиб кутадиган умумхалқ байрамидир. Бугун мамлакатимизда 130 дан ортиқ миллат ва элат вакиллари аҳил ва иноқ яшамоқда. Улар умумий уйимиз – Ўзбекистонимиз равнақи йўлида барча соҳаларда фидокорона меҳнат қилмоқда. Давлатимиз раҳбари тантанага ташриф буюрган турли миллат ва элат вакиллари билан учрашиб, уларни байрам билан табриклади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Наврўзи олам – Шарқона янги йил билан бутун Ўзбекистон халқини самимий муборакбод этди.

Қутлуғ кунда барчага сиҳат-саломатлик, бахт ва омад, оилаларга тинчлик-хотиржамлик, файзу барака тилади.

...Майдон узра янграётган дилбар куй-қўшиқлар мамлакатимизнинг олис-олис ҳудудларига таралиб, байрам шукуҳини юртимиз бўйлаб ёйди.

Шу куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Самарқанд шаҳрида ўтказилган Наврўз шодиёналарида ҳам иштирок этди.

Давлатимиз раҳбари дастлаб шаҳардаги марказий истироҳат боғида яқинда ўрнатилган Алишер Навоий ва Жомий ҳайкаллари пойига гул қўйди. Шу ерда самарқандлик ижодкорлар ҳамда Наврўз шодиёналарида иштирок этиш учун юртимизга келган тожикистонлик шоир ва ёзувчилар билан мулоқот чоғида ўзбек ва тожик адабиётининг бу икки буюк вакили хотирасига ўрнатилган ёдгорлик халқларимиз ўртасидаги азалий дўстлик, яқинликни янада мустаҳкамлашга хизмат қилишини таъкидлади.

Самарқанд шаҳридаги Алишер Навоий номидаги марказий маданият ва истироҳат боғида ташкил этилган байрам тадбирларида вилоят жамоатчилиги, нуронийлар, ишлаб чиқариш фаоллари, ёшлар билан суҳбатлашиб, барчани байрам билан яна бир бор табриклади. Самимий суҳбат чоғида мамлакатимиздаги ислоҳотлар, одамлар ҳаётидаги ўзгаришлар ҳақида сўз борди.

Абу Бакр ЎРОЗОВ,
ЎзА мухбири.

ОНА ДИЁРИМИЗДА НАВРЎЗ ШУКУҲИ КЕЗМОҚДА

(Боши 1-саҳифада)

Пўлат АЙТМУРАТОВ,
Қорақалпоғистон Республикаси маданият вазири:

– Байрам дастурида қорақалпоқ халқи миллий урф-одатлари билан иштирокчиларни таништиришни ният қилганмиз. Қиз узатиш, тушов кесиш, беточар, айдар тўй каби миллий урф-одатларимиз, миллий ўйинлар, таомлар, ҳунармандлик маҳсулотлари йиғилганларга кўтаринки кайфият улашмоқда.

Айниқса, "Айқулоч юлдузлари", "Аму тўлқини", "Гулзор" ансамблларида ижросидаги қорақалпоқ элининг бетакрор куй-қўшиқ ва рақслари кўпчиликка манзур бўлаётир. Байрам меҳмонлари қора уй (ўтов), Чилпиқ қалъа макети, Оролбўйи халқининг миллий нақшлари, буюмларини қизиқиш билан томоша қилмоқда.

Содиқ ИМОМИЙ,
Тожикистон Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси:

– Наврўзи олам бизнинг юртимизда ҳам кенг нишонланади. Бугун пойтахтингизда ўтаётган байрам сайилларида қатнашиш насиб этганидан жуда бахтиёрман. Бу ерда намойиш этилаётган ҳунармандлик маҳсулотлари, либослар ва таомлар худди бизникига ўхшаш. Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев олиб бораётган сиёсат туфайли сўнгги йилларда нафақат Ўзбекистон, балки бутун минтақамизда катта ўзгаришлар юз бермоқда. Ўзбекистон ўзининг ташқи сиёсатида қўшни мамлакатлар билан алоқаларга устувор аҳамият қаратмоқда. Натижада минтақамизга янги ҳаёт шаббодаси кириб келди ва ҳукмронлик қилмоқда.

Шавкат Мирзиёевнинг яқинда Тожикистонга давлат ташрифи доирасида ҳам ҳар томонлама ҳамкорлик ва яхши қўшниликни ривожлантиришга доир кўплаб муҳим ҳужжатлар имзоланди. Насиб этса, мамлакатларимиз ўртасидаги дўстлик алоқалари янада юқори босқичга кўтарилади.

Санобар ОРИПОВА,
Сурхондарё вилоятидан келган ҳунарманд:

– Бойсун каштачилик мактаби узоқ тарихга эга. Биз оиламиз аъзолари билан ушбу мактаб анъаналарини давом эттириб келяпмиз. Бугунги кунда каштачиликда сунъий толалардан тайёрланган пишиқ иплар, зар симлар, ҳатто хом чармдан энсиз қилиб тайёрланган тасмалардан ҳам кенг фойдаланилмоқда. Қадимий анъаналарга кўра, ҳар бир оилада ўсаётган қиз бола кашта тиккан, чеварликни ўрганган. Шунга кўра, бўлажак келин болалигидан ўз сепини ўзи тиккан каштаҳар билан бойитишга ҳаракат қилган. Ўзингиз кўрдингиз, байрамга келган аксарият қизлар каштачиликка қизиқишини айтиб, телефонимизни ёзиб олишди. Биз бундан жуда хурсанд бўлдик.

Сурхондарё фольклор санъати, ноёб қадриятлари, ҳудуд табиатига хос ранг-баранг либослари, достон ва лапарлари, сеҳрли чанқовуз оҳанглари билан қадимдан машҳур. Вилоятимиз учун ажратилган павильон, айниқса, байрам иштирокчилари билан гавжум бўлди. Бахшилар ижросидаги достонлар, ўйноқи қўшиқлар барчага манзур бўлди.

Баҳодир ОТАЖОНОВ,
Хоразм вилоятидан Каттабоғ кулоллик мактаби вакили:

– Хоразм кулоллик мактаби мовий, зангори, фируза рангли бўёқларнинг кўпроқ қўлланиши, геометрик ва ўсимликсимон нақшлари билан ажралиб туради. Байрамга мактабимизда тайёрланган кўза, лаган, коса каби маҳсулотларни олиб келдик. Каттабоғлик кулоллар табиий ўсимлик, қора варақдан ишқор тайёрлайдилар. Бу маҳсулотнинг сифатли чиқишида алоҳида ўрин тутади. Шунинг учун вилоятимизга ташриф буюрувчи сайёҳлар уни кўп харид қилади. Бугун байрам иштирокчиларига маҳсулот ясаш сирларини ўргатдик.

Раҳматхўжа АЛИХЎЖАЕВ,
Андижон вилояти Шаҳрихон шаҳридан келган пичоқсоз уста:

– Шаҳрихон шаҳрида иккита пичоқчилик мактаби бор. Боболаримиз 1810 йилда асос солган пичоқчилар сулоласининг саккизинчи авлодиман. Миллий байрамимиз – Наврўзда 50 хилга яқин пичоғимиз билан кўргазма ташкил қилдик. Айни пайтда ҳунар ўрганаман, аждодларим йўлини давом эттираман, деган ёшлар учун барча имтиёз ва имконият берилмоқда. Ҳар бир ҳунарманд тайёрлаган маҳсулотидан манфаат кўраётир. 30 дан зиёд шогирд етиштирганман. Улар ҳам Шаҳрихон пичоқчилик мактабини ривожлантиришга ўз ҳиссасини қўшмоқда.

Баҳодир МУТАЛОВ,
Самарқанд шаҳридан келган новвой:

– Мамлакатимизда нонинг тури кўп. Лекин Самарқанд нонининг довруғи бутун дунёга таралган. Унинг мазаси, тўйимлилиги бошқалардан фарқ қилади. Бугунги пойтахтимизда ўтказилаётган Наврўз байрами асосида Самарқанд нонининг тайёрланиш жараёнини иштирокчиларга намойиш қилдик. Кўпчилик, айниқса, хотин-қизлар бу жараённи катта қизиқиш ва эътибор билан кузатиб турди.

Анвар ИНАМОВ, бешиксоз уста, Наманган вилояти:

– Меҳр-оқибат, хайр-саховат айёми бўлмиш Наврўз мустақиллик йилларида янгича мазмун билан бойиб, умумхалқ байрами даражасига кўтарилди. Наврўз ёшларимизнинг маънавиятини юксалтириш, уларни миллий қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялашга хизмат қилмоқда. Отамнинг касбига ҳавас қилиб, устахонамизда ўғлим ва шогирдларимни ёнимга олиб бешик ясамоқдамиз. Сўнгги йилларда мамлакатимизда миллий ҳунармандлик ривожига кенг йўл очилди. Азалий қадриятларимизни ўзида мужассам этган бешикларга талаб катта. Ёнғоқ дарахтига ишлов бериб, ойига 30 дан ортиқ бешик ясаймиз. Меҳнатимиздан келган даромад оиламиз фаровонлигини таъминламоқда.

ЎзА мухбирлари
Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
Умар АСРОРОВ ёзиб олди.

ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ

Қарши шаҳрида Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Абдулла Орипов таваллуди санасига бағишланган адабий кеча бўлиб ўтди.

Улуғ шоирни ёд этиб...

Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан ташкил этилган Абдулла Орипов номидаги ихтисослаштирилган мактаб-интернат жамоатчилик вакиллари, адабиёт ва санъат намояндалари, адабиёт, шеърият мухлислари билан гавжум бўлди.

Унда сўз олганлар Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Ориповнинг серқирра, бетакрор эзгуликка йўғрилган ўлмас ижоди ҳақида алоҳида тўхталдилар. Ихтисослаштирилган мактаб-интернат ўқувчилари шоир шеърларидан ёд ўқидилар.

– Бугунги кечани вилоят ҳокимлиги билан ҳамкорликда ташкил этдик, – дейди Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлими раҳбари, шоир Ўроз Ҳайдаров. – Ёш ижодкорлар жам бўлган масканда янгидан-янги умид ғунчалари намоён бўлмоқда.

Тадбирда "Абдулла Орипов қалдирғочлари" рисоласи тақдимоти ҳам ўтказилди. Ушбу китобдан 22 нафар ёш истеъдод эгаларининг ижод намуналари ўрин олган.

Иштирокчилар шоир ҳайкали пойига гуллар қўйишди.

Тадбирда вилоят ҳокими З.Рўзиев иштирок этди.

Ҳусан ТЕМИРОВ,
"Qishloq hayoti" мухбири.

Наврўз фалсафаси бунда мужассам

БАЙРАМ АРАФАСИДА МАМЛАКАТИМИЗ БЎЙЛАБ УМУМХАЛҚ ХАЙРИЯ ҲАШАРИ БЎЛИБ ЎТДИ

Эзгу қадриятларимиз ўзида акс эттирган Наврўз байрамини халқимиз муносиб кутиб олишга алоҳида тараддуд кўрди.

Президентимизнинг "Наврўз умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги қарори асосида байрамни умумхалқ сайиллари шаклида юқори даражада ўтказиш мақсадида "Азиз ватандошлар, ҳар кунингиз Наврўз бўлсин!" деган ғояни ўзида мужассам этган ташкилий-амалий, маданий-маънавий ҳамда тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилди.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг фармойиши асосида қутлуғ байрам муносабати билан 18-19 март кунлари юртимиз бўйлаб ўтказилган ҳашарда Наврўзнинг азалий ва абадий фалсафаси – ободлик ва бунёдкорликка интилиш кайфияти акс этди. Ушбу эзгу удумда йигирма бир миллион нафардан зиёд юртдошларимиз иштирок этди. Уларнинг ўн тўрт миллион нафардан кўпроғи ёшлардир.

Иштирокчилар томонидан эллик минг гектардан зиёд экин майдони ободонлаштирилди, олтмиш минг тоннадан ортиқ чиқинди чиқариб ташланди, ўттиз уч минг километрдан зиёд узунликдаги ариқлар тозаланди, 9 мингдан ортиқ қабристон, 800 та зиёратгоҳ тартибга келтирилди.

Шунингдек, ҳашар давомида дарахтларга шакл берилиб, оқланди. Янги манзарали ва мевали дарахт кўчатлари экилди. Ўн тўрт ярим миллион донадан ортиқ гул кўчатлари кўчалар ва маҳаллалар ҳамда хиёбонлар кўркига-кўрк қўшди.

Шу куни аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларига беминнат мурувват ёрдамлари кўрсатиш мақсадида кам таъминланган оилаларнинг уй-жойлари ҳашар йўли билан таъмирланди, эҳтиёжманд оилалар, ногиронлиги бўлган фуқаролар ва ёлғиз қариялар ҳолидан хабар олиниб, моддий ёрдамлар кўрсатилди.

Жойларда кўплаб ижтимоий ва маиший объектлар Наврўз байрамига муносиб совға сифатида аҳолига хизмат кўрсатишни бошлади.

– Янгиланиш ва яшариш айёми, миллий қадриятларимиз тимсоли бўлган Наврўзи олам Навоий вилоятида юқори савияда нишонланди, – дейди Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шоира Салима Умарова. – Айём шодиёналари ҳар бир қалбдан бутун оламга, қирлару далаларга, хиёбонларга кўчган. Бу йилги Наврўз байрами арафасида тадбиркорлар томонидан вилоятда ўнлаб янги хизмат кўрсатиш, ишлаб чиқариш ва ижтимоий соҳа объектлари фойдаланишга топширилгани вилоят аҳли учун муносиб туҳфа бўлди.

"Зарафшон овози" масъулияти чекланган жамиятига қарашли йиллик қуввати 25 минг тонна оҳак ишлаб чиқаришга эга завод, ҳар хил ўлчамдаги темирбетон маҳсулотлари тайёрлаш цехи ҳамда "Тошработ текистиль" корхонасига қарашли тўқув фабрикасининг очилиши халқимиз турмуш фаровонлигини яхшилашга қаратилган эзгу ишлар давоми бўлди. Навоий шаҳрининг 2-кичик тумани ҳудудида 5 қаватли 80 хонадонли турар жой биноси калитларининг эгаларига топширилиши эса хонадон соҳибларига алоҳида байрам совғаси бўлди.

Яхши ниятлар билан бошланган бу ободонлаштириш ва кўкламзорлаштириш ишлари апрель ойи сўнгигача давом эттирилади.

Ҳа, халқимиз яшнатиш, яратиш байрамини ана шундай бунёдкорлик оғушида кутиб олди.

Суҳроб ЗИЁДУЛЛАЕВ

«Сумалак сайли»

хорижликларни ҳам лол қолдирди

НАМАНГАН ВИЛОЯТИ

Қутлуғ айёмни муносиб кутиб олиш учун Наманган вилоятида ҳам катта тараддуд кўрилди. Хусусан, байрам олдидан ўтказилган умумхалқ ҳашарида кенг кўламли ободонлаштирш ишлари амалга оширилди, мевали, манзарали дарахт кўчатлари, гуллар экилди. Сув йўллари равонлаштирилди. Кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам кўрсатилди.

Байрам сайиллари қир-адирлар, хушманзара боғлар бағрида ташкил этилди. Байрам дастурларидан миллий қадриятларимиз, урф-одатларимиз, ўйинларимиз ўрин олди.

Интиқиб кутилган байрам эрта тонгданоқ, карнай-сурнай садолари остида бошланди. Ҳамма байрамона безатилган Заҳириддин Муҳаммад Бобур номли боққа ошиққан. Вилоят ҳокими Хайрулло Бозоров барчани Наврўзи олам билан мубораксбод этди.

Наврўз байрами тантаналари доирасида биринчи бор "Сумалак сайли", туризм ва миллий қадриятлар фестивали ташкил қилинди. Унда Мавлудахон ая Жўраева бошчилигида сумалакпазлар 1100 килограмм буғдой ундиришди. 250 килограмм ёғ, 2,5 тонна ун, 3,5 тонна сувдан фойдаланган ҳолда 5 тонна тош босувчи сумалакни пишириб, элга тортиқ қилишди. Шунингдек, баҳорнинг бу тансиқ неъматидан вилоятдаги Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари, кам таъминланган оилалар ҳам баҳраманд бўлишди.

– Ўзбекистон ва Туркия ўртасидаги ҳамкорлик, дўстлик алоқалари йилдан-йилга мустаҳкамланиб бормоқда, – дейди Туркиянинг Ўзбекистондаги элчихонаси туризм ва маданият ишлари маслаҳатчиси Жесим Челеби. – Айниқса, мамлакатингизга келувчи тадбиркор ва сайёҳларга яратиб берилаётган имтиёз ва имкониятлар бу борадаги ишлар кўламининг кенгайишига хизмат қилаётир. Мен Наманган шаҳридаги "Сумалак сайли"дан олам-олам таассурот олдим. Ишонч билан айта оламанки, бундай тадбирлар сайёҳларнинг қизиқишини оширади.

– Кўплаб байрамларда қатнашганман, – дейди Ўзбекистон халқ артисти Абдуҳошим Исмоилов. – Лекин Намангандаги Наврўз тантаналари бир умр ёдимда қолади. Катта қозонда меҳр билан тайёрланган сумалакдан ейиш насиб этди. Таъми оғзимда қолди.

Наврўз тантаналарида қатнашган қозоғистонлик Назокат Муборакова, қирғизистонлик Қиянбек Молдабоев ва бошқалар ҳам хайр-саховатга йўғрилган байрам тадбирларини ҳақиқий инсонпарварликнинг ёрқин кўриниши сифатида эътироф этишди.

Шунингдек, байрам қатнашчилари "Сумалак сайли"да республикамизнинг турли вилоятларидан келган ошпазлар ўртасидаги "Дўппидек ош", "Тандир таомлари шоуси", "Сумалакпазлар биринчилиги", "Варраклар парвози" каби кўплаб мусобақаларнинг ҳам шоҳиди бўлишди.

Равшанбек МИРЗАОЛИМОВ, "Qishloq hayoti" мухбири.

Бунёдкор элнинг байрам туҳфалари

ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ

Наврўз шодиёналари Қашқадарёда ҳам кўтаринки руҳда бошланди. Бунёдкор эл байрамга муносиб туҳфалар ҳозирлади. Шаҳару қишлоқлар ўзгача чирой очган. Замонавий биноларга монанд сўлим хиёбонлар ва уларда очилган баҳорнинг анвойи гуллари кишига ўзгача завқ бағишлайди. Дилларда, тилларда байрам. Ҳамма шод-хуррам. Отахон ва онахонларнинг қўллари дуода.

Қарши шаҳридаги "Asi park" одамлар билан гавжум. Карнай-сурнай садолари қалбларга ҳузур бахш этаётир. Тадбиркор Бахтиёр Жўраевнинг саъй-ҳаракати билан қисқа муддат ичида барпо этилган мазкур замонавий кўнгилочар боғда тўпланганлар бир-бирини байрам билан табрикламоқда. Бир-бирига эзгу тилакларини билдириб, тинч, осойишта ҳаётимизга шукроналар айтишмоқда.

Байрам туҳфаси сифатида фойдаланишга топширилган ушбу ҳордиқ масканининг илк меҳмонлари вилоятнинг шаҳар ва туманларидан ташриф буюрган отахон ва онахонлар ҳамда ёрдамга муҳтож оилаларнинг жажжи ўғил-қизлари бўлишди.

– Ёшим 75 га яқинлашиб қолди, – дейди деҳқонободлик меҳнат фахрийси Ҳайит ота Бобоёров. – Наврўз байрамини мана шундай сўлим гўшада ўтказаётганимдан жуда хурсандман. Баҳор ноз-неъматларига тўла дастурхон атрофида дилдан суҳбатлашишга нима етсин?! Саховатли инсонлар қимматбаҳо совғалар ҳам улашди. Бунинг учун уларга миннатдорлик билдираман.

– 200 нафар бола билан бу ерга келдик, – дейди Қарши шаҳридаги Меҳрибонлик уйи тарбиячиси Мастура Амирқулова. – Улар аттракционларда ҳордиқ чиқаришяпти. Ҳомийлар кийим-кечак, китоб ва ўқув қуроллари туҳфа этишди. Эътиборли томони шундаки, Наврўз умумхалқ байрами муносабати билан берилган дам олиш кунларининг ҳар бири ана шундай мазмунли ўтмоқда.

Байрам кунлари кўплаб объектлар фойдаланишга топширилди. Қарши шаҳрининг Алишер Навоий номли маданият ва истироҳат боғида қад ростлаган қўш қаватли "Нуронийлар маскани" ҳам шулар жумласидандир. Бу ерда кутубхона, тренажёр зали, тиббиёт хонаси, шахмат-шашка клуби, ошхона мавжуд. Гулзорга бурканган ҳудуддан китоб дўкони ҳам ўрин олган.

Байрам кунлари Қарши темир йўл шоҳбекатида замонавий усулда қурилган бозор фойдаланишга топширилган бўлса, "Қашқадарё соҳили"да янада ўзгача шукуҳ ҳукмрон. Ҳунармандлар томонидан кўргазма ташкил этилган, баҳорнинг ноз-неъматларига сероб дастурхон ёзилган. Дошқозонлардаги сумалаклар байрам иштирокчиларига тортиқ этиляпти. Санъаткорлар, бадиий ҳаваскорлик жамоалари, дорбозларнинг чиқишлари шодиёнага янада кўтаринкилик бахш этмоқда.

Сирасини айтганда, Наврўз шодиёналари вилоятнинг ҳар бир шаҳар ва қишлоғида меҳр-оқибат байрами сифатида кенг нишонланмоқда.

Ҳусан ТЕМИРОВ, "Qishloq hayoti" мухбири.

САРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ

Азалдан Наврўз ободлик, яратувчилик ва бунёдкорлик айёми бўлиб келган. Уни ўзгача меҳр, интиқлик билан кутган юртдошларимиз байрам арафасида катта бунёдкорлик ишларини амалга оширадилар. Бу галги Наврўз тантаналарида ҳам юртимиз бўйлаб кўплаб янги иншоотлар фойдаланишга топширилмоқда.

САНЪАТ ИХЛОСМАНДЛАРИ УЧУН МУНОСИБ СОВҒА

Байрам кунларида Термиз шаҳрида янгидан барпо этилган муҳташам Санъат саройи фойдаланишга топширилди.

700 ўринли салобатли Санъат саройини барпо этишга 132 миллиард сўмдан ортиқ маблағ сарфланди. 32 гектар майдондан иборат ҳудуд ободонлаштирилиб, кўркам ва гўзал гўшага айлантирилди. 3 минг ўринли Амфитеатр биноси, рангли фаввора қурилди. Миллий ва замонавий архитектура ечимлари асосида қад ростлаган бино энг сўнгги техника ва технологиялар билан жиҳозланган.

Муҳташам саройда турли саҳна асарлари ва кўнгилочар томошаларни кенг намойиш этиш учун зарур қулайлик яратилган.

Айни пайтда Термиз шаҳрида маданият ва санъат фидойилари учун иккита кўп қаватли янги уй қурилмоқда. Театр ходимлари учун яна битта кўп қаватли уй-жой қуриш кўзда тутилган. Бундай юксак эътибор ижодкор зиёлиларни юртимизда юз бераётган ўзгариш ва янгиланишларга ҳамоҳанг, ҳамнафас фаолият юритилиб, халқимиз, айниқса, ёшларнинг маънавий дунёқарашини янада бойитишда муҳим омил бўлмоқда.

Тантанали тадбирда Маннон Уйғур номидаги Сурхондарё вилояти мусиқали драма театри санъаткорлари саҳналаштирган спектаклларидан парчалар ҳамда санъат усталарининг концерт дастури намойиш этилди.

Тадбирда Сурхондарё вилояти ҳокими Э.Турдимов сўзга чиқди.

Дилфуза ЖЎРАЕВА, "Qishloq hayoti" мухбири.

Янги кун мадҳи

Ўлкамизга зеболаниб Наврўзи олам кириб келди. XV асрнинг биринчи ярмида яшаб ижод этган мавлоно Гадоийнинг:

Наҳоти Наврўздин бўлди машоми жон латиф,
Кетти даврони малолу келди айёми шариф

байтида таъкидланганидек, Наврўзнинг ёқимли ҳиди туфайли жонларнинг димоғи покланди, сиқилиш, ғам-озор даврони ўтиб, инсонлар учун қадрли бўлган айём келди. Яъни, Наврўзи олам ташриф буюрди.

Наврўз – баҳор, янгиланиш байрами мадҳ этилган бундай шеърлар туркий халқлар, жумладан, ўзбек мумтоз адабиётида жуда қадимий эканлиги бизга тарихий манбалардан яхши маълум.

Наврўз – бу, яшариш, ғайратга тўлишиш маъноларини ўзида мужассам этганлиги билан ҳам аҳамиятлидир. Наврўз ҳар йил тантанавор ва шодиёналик билан нишонланадиган сайилдир. Бу сайилни қувноқлик, беғаразлик, дўстлик, меҳмоннавозлик байрами, дея бемалол сифатласак бўлади. Шу боисдан ҳам шарқнинг турли халқлари шоирлари Наврўзга атаб жўшқинлик ва меҳр билан шеъру ғазаллар ёзганларини эътироф этиш ўринлидир.

Каттақўрғон шаҳрининг зиёли фарзанди, филология фанлари номзоди, қадимшунос олим, марҳум устозимиз шоир Исомиддин Салоҳий ёзганларидек, қалам аҳли, энг аввало, Наврўз байрамида кун ва туннинг тенглашиши билан табиатда эзгуликнинг рамзи – баҳорнинг ғалаба қозониши деб қараган, уни бўйи билан сочи тенг бўлган хушрўй қизга қиёслаб ҳароратли сатрлар битган:

Васли аро, кўрдим, тенг эмиш бўйию сочи,
Туну кун тенг экан зоҳир ўлур бўлди чу Наврўз.

Ғазал мулкининг султони, давлат арбоби ва мутафаккир Алишер Навоий анъаналарини давом эттириб, XIX-XX аср Каттақўрғон адабий муҳитининг намояндалари Абдулқодир Ноқис, Абдулҳамид Мажидий, Қори Муҳаммад Расул Зубайдуллаев – Ножий, Раҳимжон Сатторов, Холис (Шароф Қобилов), Марди Нуриддинов, Исомиддин Салоҳий, Шамси Одил, Самариддин Сирожиддинов, Тошпўлат Юлдуз (Шомуродов) ва бошқалар Наврўзи оламни қалб ҳарорати-ла мадҳ этиб, ғазаллар, шеърлар битдилар. Жумладан, Абдулқодир Ноқиснинг

Наврўзи навбаҳорон бўлди-ю гул очилди,
Биз ташналар бошиға ирфон суви сочилди,

деган ҳароратли сатрлари орқали Наврўз сайлининг қалбларда қувонч ила нишонланиши бадиий бўёқларда ифодалаганига гувоҳ бўламиз.

Шоир Раҳимжон Сатторовнинг "Наврўз бу кун" сарлавҳали шеърида янги йил сайли қуйидагича тараннум этилади:

Водийлардан келур садо,
ушалди орзу муддао,
Сахий элга жонлар фидо,
юртда сайил, Наврўз бу кун.

Шоир Тошпўлат Юлдуз "Равзан гулзор келур" сарлавҳали ғазалида янги йилга қуйидагича таъриф беради:

Чеҳра очди боғларин гул атри акбар беадад,
Чорласам боғ сайрига гул ишқига хумор келур.
Эй кўнгил, Наврўз келиб, умрингга қўшганда сани,
Ҳар ғазалхоннинг тилига беадад ашъор келур...

Шамси Одилнинг "Қалбда ҳали гул фасли" шеърида ҳам шундай бадиий ташбеҳлар бор:

Йўқ-йўқ дейди, юраккинам – Менда-чи Наврўз фасли,
Оппоқ қорлар остида,
Майса кўкарар асли,
Менда ҳали гул фасли...

Шоир Самариддин Сирожиддиновнинг 1977 йил ёзилган "Баҳор эрмиш" шеърида давр нафаси бадиий жиҳатдан пишиқ ифодаланган:

Муборакбод этиб меҳнат баҳорин дам-бадам дўстлар,
Ёғар найсон суви кўкдан бу ҳам бир ифтихор эрмиш,
Сирожий, яйра, хуррам бўл, баҳор қалбингга ўт солса,
Нечукким ўт юракларга жаҳон Доим хумор эрмиш...

Марди Нуриддиновнинг "Баҳор қўшиғи" шеърида эса бу шоҳ фасл қуйидагича тараннум этилади:

Тонг келур баҳорнинг кокилин тутиб,
Саболар шовуллар дарёлар мисол,
Хайрият келдия баҳор куттириб,
Уни интиқликда соғиндик алҳол.
Умрни севгандек севамиз уни,
Қанийди бўлсайди баҳор ҳар куни.

Нафас Юсуф Ушбу қутлуғ байрам ҳақида шундай сатрлар битган:

Улуғ айём бугун дўстлар, муборакдур ширин онлар,
Ҳаловатда ўтар кунлар, агар бут бўлса иймонлар,
Кеча саф олдида эрди, қаерда у мусулмонлар,
Нафас қадрин улуғлайлик тириклик чоғда инсонлар?
Соғинчлардан толиққан бу, бағир Истар наво Наврўз.

Халқимиз юксак орзу-ла интиқлик билан кутган Наврўзи олам шукуҳи юртимизда ҳамон кезмоқда.

Баҳорий кайфият улашувчи қадимий сайил – Наврўзи олам барчага муборак бўлсин!

Ғайрат ШУКУРОВ

АНДИЖОН ВИЛОЯТИ

«Буюк ипак йўли» чорраҳасида Наврўз сайли

Тошкент – Андижон – Ўш – Қашқар халқаро магистрал автомобиль чорраҳасида жойлашган "Боғи Бобур"да Наврўз сайли ташкил этилди.

Қарийб 350 гектардан зиёд майдонни эгаллаган "Боғи Бобур"да аҳоли ва меҳмонлар учун барча шароитлар яратилган. Адирнинг энг юқори чўққисига элтувчи осма йўл, кўплаб аттракционлар, чойхоналар, хизмат кўрсатувчи яна бошқа нуқталарнинг барчасида ёшу қари жамулжам бўлишган.

Халқ сайли давомида ҳунармандчилик борасида эришилган ва эришилаётган ютуқлар кенг оммага намойиш этилди. Бадиий ҳаваскорларнинг чиқишлари йиғилганларга завқ шавқ улашди.

Наврўз тантаналари давомида палов, сумалак, баҳорий таомлар тайёрлаш бўйича қатор танловлар ҳам ўтказилди. Шаҳардаги "Нодира" тантаналар саройи бош ошпази Хуршидбек Ҳасанов бошчилигида тайёрланган палов сайилда ҳозир бўлган кўплаб хорижлик меҳмонларнинг ҳам иштаҳасини очиб юборди. Ҳиндистонлик меҳмон Вивек Кейн андижонча пловни мезбонлар билан биргаликда татиб кўраркан, бундай тотли таомни умрида биринчи бор еяётганлигини эътироф этди.

– Мен тижорий ишлар билан кўплаб мамлакатларда бўлганман, – дейди у. – Хизмат сафари билан Ўзбекистонга, хусусан, Андижонга келганимдан беҳад хурсандман. Бобурнинг юртида ўтказилаётган байрамда қатнашиб, халқингизнинг қалби очиқлигига яна бир бор ишонч ҳосил қилдим. Менинг юртимда Бобур ва бобурийларга эҳтиром баланд. Ана шу эҳтиромни "Боғи Бобур"да яна бир бор юрагимдан ҳис этдим.

Туркиялик Гўктал Қутлу ҳам аёли ва фарзандлари билан Наврўз байрамини Андижонда ўтказмоқда. Улар оммавийлик мужассам бўлган сайилдан бир олам завқ олганликларини билдиришди.

Бугун мамлакатимизда халқаро ва ички туризмни янада ривожлантиришга юксак эътибор қаратилмоқда. "Боғи Бобур" ҳам бу борада ўзига хос ўрин тутади, албатта. Юртимизнинг шарқий нуқтасида жойлашган Хонобод шаҳрида Экотуризмни ривожлантиришга қаратилган давлат дастури амалга оширилмоқда. Қолаверса, яқин вақт ичида "Буюк ипак йўли" серқатнов бўлиши кундан-кунга аён бўлмоқда. Қўшни қирғизистонликлар билан ўзаро борди-келдилар ривожи илдам бормоқда. Наврўз сайлида минглаб қўшни мамлакат фуқароларининг меҳмон бўлганликлари ҳам туризмнинг эртаси порлоқ эканлигидан дарак бериб турибди.

Қобилжон АСҚАРОВ, "Qishloq hayoti" мухбири.

Реклама ва эълонлар

QQB | QISHLOQQURILISHBANK

Барча юртдошларимизни Наврўз — умумхалқ байрами билан самимий қутлаймиз.

Сизларга мустаҳкам соғлиқ, оилавий хотиржамлик, Она-Ватанимизнинг равнақи йўлидаги фаолиятингизда янгидан-янги муваффақиятлар тилаймиз.

Фурсатдан фойдаланиб, миллий валютадаги янги омонат турини таклиф этамиз:

«Кўклам ифори»

Фоиз ставкаси — йиллик 16%
Маблағлар 6 ойдан 12 ойгача бўлган муддатга қабул қилинади.
Омонатга ҳисобланган фоизлар ҳар ойда тўлаб берилади.

Сизнинг омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади.

Мурожаат учун телефонлар:
(+99871) 150-93-39,
150-72-58.
www.qqb.uz

«Қишлоқ қурилиш банк» — фаровон ҳаётингиз хизматида!

Хизматлар лицензияланган.

AGROBANK

Наврўз айёмингиз муборак бўлсин, азиз юртдошлар!

Барчангизга соғлик-омонлик, бахту саодат ҳамда хонадонларингизга файзу барака тилаймиз.

Шу фурсатдан фойдаланиб, Агробанк сизлар учун қулай бўлган истеъмол кредитларини таклиф этади:

МЕБЕЛЬ
ТЎЙ МАРОСИМЛАРИ
МАИШИЙ ТЕХНИКА
ТУРИЗМ

/AgrobankChannel
/agrobankuzbekistan
Agrobank Mobile иловасини юклаб олинг
Download on the App Store
GET IT ON Google Play
www.agrobank.uz
тел.(+99871) 203 88 88
Хизматлар лицензияланган

TOGLAR

МАХСУС ВА ОДДИЙ ТРАКТОРЛАР!

Барча тракторлар корхонанинг Тошкентдаги омборхонасида мавжуд

- Экскаватор-погрузчик ЭП-Ф-П (Б) бульдозер
- Бульдозер-погрузчик БЛ-750
- Занжирли экскаватор-погрузчик ЭП-Ф-Ц
- Асфальторез
- Подъемник БЛ-09
- "Беларусь" (МТЗ)-80х, 80.1, 82.1, 1025.2, 1221.2
- "Беларусь" тракторлари эҳтиёт-қисмлари
- Турли моделдаги шиналар

Маҳсулотлар сертификатланган.
Хизматлар лицензияланган.

T.: (+99893) 501 6911, (+99871) 252 1629, 256 0955. E-mail: toglar_uz@mail.ru www.toglar.uz

TRAKTORBOR.UZ

PLANETA SERVIS

«МТЗ» ВА «БЛЮМИНГ» КОМПАНИЯЛАРИНИНГ РАСМИЙ ДИЛЛЕРИ

(+998 98) 125-7-125 (+998 98) 125-8-125

Тўловлар нақд пул ва пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

Маҳсулотлар сертификатланган.
Хизматлар лицензияланган.

«ЎЗМЕТКОМБИНАТ»
акциядорлик жамияти

корхона агромажмуаси гўшт-сут фермасидаги мавжуд «БиоГаз» ускунасини ишга туширишш учун корхона ва ташкилотлар мурожаатини қабул қилади ва ҳамкорликка таклиф этади.

Мурожаат учун телефон:
+99890 920-75-76. (Факс) +99870 214-15-60.

QISHLOQ HAYOTI

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Агросаноат комплекси таркибидаги ҳамда шу тармоққа дахлдор вазирлик ва идоралар.

Бош муҳаррир Чори ЛАТИПОВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Зойир МИРЗАЕВ, Баҳодир ЮСУПОВ, Бакриддин ЗАРИПОВ, Шуҳрат ТЕШАЕВ, Муҳаммаджон ТОШБОЛТАЕВ, Абдурасул АБДУЛЛАЕВ, Саидкамол ХЎЖАЕВ, Ботир СУЛАЙМОНОВ, Маҳмуд ТОИР, Ҳабиб ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Анвар ҚУЛМУРОДОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Шодиёр ЙЎЛДОШЕВ (Масъул котиб).

Телефонлар: Қабулхона – 236-26-50, Котибият – 236-26-47,
Аграр масалалар бўлими – 233-76-78, Маънавият ва маърифат бўлими – 236-26-35,
Ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий масалалар бўлими – 236-26-49,
Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими – 233-76-78, Факс – 233-44-43, 233-09-93.

Реклама ва эълонлар: 236-26-50, 233-28-04.
web sayt: www.qishloqhayoti.uz e-mail: info@qishloqhayoti.uz

Ҳудудлардаги мухбирлар:
Қорақалпоғистон Республикаси – (+99890) 592-62-04

Вилоятлар:

Андижон	–	(+99893) 630-73-03;
Бухоро	–	(+99891) 401-29-59;
Жиззах	–	(+99893) 940-10-78;
Навоий	–	(+99891) 332-50-99;
Наманган	–	(+99893) 948-53-86;
Фарғона	–	(+99890) 407-76-03;
Самарқанд	–	(+99893) 994-57-08;
Сирдарё	–	(+99894) 168-23-60;
Сурхондарё	–	(+99890) 644-44-11;
Тошкент	–	(+99890) 976-39-58;
Хоразм	–	(+99897) 790-47-61;
Қашқадарё	–	(+99891) 635-08-03.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2009 йил 13 февралда № 0020-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.

Буюртма Г-313, ҳажми 2 босма табоқ.
Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.

Манзилимиз: 100000, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Газета таҳририятнинг ўзида компьютерда терилди ва дизайнер Маркс ЮСУПОВ томонидан саҳифаланди.

21641 нусхада чоп этилди.
НАШР ИНДЕКСИ – 144
Босишга топшириш вақти: 21.00
Босишга топширилди: 23.45

ISSN 2010-7021

Навбатчи муҳаррир: С.ЗИЁДУЛЛАЕВ
Мусаҳҳиҳ: Д.КОМИЛЖОНОВА

Газета сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади. Баҳоси келишилган нархда. Газета "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. 23456